

Илхан Омар «2021 йилнинг мусулмон америкалик давлат хизматчиси» деб топилди



15:30 / 11.12.2021 2090

АҚШ вакили Илхан Абдуллоҳ Омар, Америка-Ислон муносабатлари кенгаши (CAIR) томонидан шанба куни мусулмон фаоллар ва Конгресс аъзолари иштирок этган ташкилотнинг йиллик зиёфатида «2021 йилнинг мусулмон америкалик давлат хизматчиси» деб топилди.

Омар ўзининг нутқида, у ҳақида салбий фикр билдирган вакил Лаурен Боеберт билан ўтган сиёсий можародан сўнг жуда оғир ҳафтани бошидан ўтказганини маълум қилди.

Лаурен Боеберт ушбу можародан сўнг твиттер саҳифасида узр сўрашга шошилган ва Омар ҳақида айтган фикрлари туфайли мусулмон жамиятидаги ҳар қандай кишидан кечирим сўраганини изоҳларда ёзиб

қолдирган. 29 ноябрь куни икки вакил ўртасида кескин телефон қўнғироғи бўлиб ўтган.

Ҳозирда Конгрессдаги уч мусулмондан бири бўлган Омар Вакиллар палатаси спикери Ненси Пелосидан Боебертни қўмидаги вазифаларидан маҳрум қилиш учун овоз беришини талаб қилмоқда.

Бундан ташқари октябрь ойида Омар ва унинг шериги Ян Счаковский давлат департаментига исломофобияни йўқ қилиш бўйича халқаро қонунни мониторинг қилиш учун махсус вакил сайлаш таклифини тақдим этган.

Хуршид Маъруф тайёрлади